
ХУШХАБАР

29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ёшлар куни муносабати билан юртимизнинг фаол ва ташаббускор ёш авлод вакиллари билан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонга имзо чекди.

Мазкур фармонга кўра, ўзининг ижодий ва интеллектуал салоҳияти, танлаган касб йўналиши ва ижтимоий ҳаётда эришган муҳим натижалари билан турли соҳаларда юртимиз раънақига, унинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётгани, тенгдошларига ўрнак ва намуна бўлиб келаётгани учун 1995 йилда Бештерак қишлоғида туғилган, 8 йилдан буён гулчилик билан шуғулланиб томорқасидан унумли фойдаланиб келаётган Мухторов Мардонхўжа Муҳаммаджон ўғли “Келажак бунёдкори” медали билан мукофотланди.

Бувайда тумани ҳокимлиги ушбу юксак эътироф билан Мардонхўжа Мухторовни самимий қутлаб, унга сиҳат-саломатлик, тинчлик-тотувлик, деҳқончиликларига барака, давлат ва жамоат ишларида улкан муваффақиятлар тилайди. Бувайда тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2021-07-08 14:50:57